

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА КАСБИЙ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Самаридин Баракаевич Қораев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кун ўқувчисини касб-хунарга йўналтиришнинг долзарблиги, бу соҳада юзага келган муаммолар ва уларни ечиш йўллари тўғрисида фикр юритилган. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда амалий машғулотлар мазмунига қўйилган талаблар ва лурни такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: ўқувчи, машғулот, такомиллаштириш, фаоллаштириш, амалиёт, кўникма, мавзу, таҳлил, топшириқ, мақсад.

THE ESSENCE OF PROFESSIONAL PRACTICAL TRAINING IN PROFESSIONAL EDUCATION AND METHODS OF ITS IMPROVEMENT

ABSTRACT

The article examines the relevance of vocational guidance of students today, the problems arising in this area, and ways to solve them. The requirements for the content of industrial practice and advanced training of students in the field of vocational guidance were discussed.

Keywords: learner, learning, improvement, activation, practice, skill, topic, analysis, task, goal.

КИРИШ

Жаҳонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохатларнинг асоси инсонинг ҳаёт давомида таълим олишига, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида ўз севган касби билан шуғулланиши учун шароит яратишга қаратилган. Бугунги кунда ўрта мактабларнинг битирувчиларининг аксарияти ҳаётда ўз ўринларини топишларида кўплаб қийинчиликларга, муаммоларга дуч келишади. Бу муаммолар эса мактаб таълими ва ҳаёт таълими ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро алоқаларнинг яхши йўлга қўйилманганлигида кўринади.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнини такомиллаштириш ва бошқариш технология ҳамда методлари талаб даражасида ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда илмий-ташкилий жиҳатдан етарлича асосланмаганлиги бугунги кунинг асосий муаммоси бўлиб турибди.

Ўқувчилар, ўқитувчилар ва иш берувчи ҳамкор ташкилотлар билан олиб борилган суҳбатлар асосида сифатли амалий машғулотларни такомиллаштириш борасида қуйидаги таклифлар олинди: амалий машғулотларни ташкил этишда ўқувчиларнинг бажара олиш ва тушуна олиш савияси ҳамда қизиқишларини, республикамизнинг ҳудудий ва миллий, иқтисодий хусусиятларини инобатга олиш, ўрганиладиган материалларнинг тушунувчанлигини ўқувчиларнинг ёшига мослаш ҳамда уни ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этиш.

МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини бир неча босқичларга бўлиш мумкин. Бу босқичлардаги фаолиятни амалга ошириш учун машғулотлар услубий бўлим томонидан бошқарилиши ва назорат қилиниши керак. Бунда машғулот мақсади ва вазифаларини белгилаш ҳамда педагоглар жамоасини танлаш, материаллар тўплаш, машғулотлар сифатини аниқлаш, мазкур жараённи режалаштириш ва амалга ошириш лозим.

Дастлаб, машғулотлар қайси касб соҳаси учун мўлжалланганлигини аниқлаш, намунавий ўқув дастурларининг мазмуни билан танишиш тавсия этилади ва ўқувчиларнинг ёши, материалларни тушуниш қобилиятлари даражаси инобатга олинishi лозим. Шу билан биргаликда, ўқитувчилар учун услубий қўлланма, ўқувчилар учун амалий топшириқлар, улар билимини баҳолаш учун тестлар тўплами ишлаб чиқилиши лозим. Машғулотларда мақсад касбий фаолиятга қўйиладиган талаблар, билим ва кўникмалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда ўқувчилар ҳаракатида ифодаланадиган натижалар орқали белгиланиши, унинг материаллари мавзуларни ўзлаштиришда аниқ мақсадга йўналтирилиши керак. Бу жараёнлар аввалдан белгиланган муайян ўрганиш мақсадларига эришиш учун олиб борилади. Агар мақсадлар белгиланмаса, у ҳолда машғулот мавзуларининг мазмуни ва дидактик тузилиши бузилади[1].

Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришда қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга эришишни осонлаштиради деб ўйлаймиз: ўқувчиларни ўзида мавжуд бўлган билимни қўллашга ундайдиган

тушунарли ва бажариш учун қулай материаллар танлаш, уларга янги ғояларни тушунишда ва билимларни эгаллашда ёрдам берадиган мавзуга алоқадор қизиқарли ҳамда ҳаётий бўлган расмлар, чизмалар, схемалар, диаграммалар ва жадваллар ҳамда ўқувчиларнинг ўрганаётган соҳада билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш учун топшириқлар, амалий машқлар ва назорат саволларини киритиш, ўқитувчиларнинг машғулотларни ташкил этиши учун услубий маслаҳатлар ва кўрсатмалар беришни инобатга олиш керак.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг изланиш ва материалларни тўплаш босқичида ўқитувчилар томонидан машғулотга оид дастлабки материаллар йиғилади. Албатта унга тегишли сўнгги илмий ютуқлар, янги техника ва технологиялар бўйича материалларни тўплашга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ушбу босқичда машғулот тузилиши ва бериладиган мавзулар мазмуни бўйича ўтказилган сўровнома натижалари, ўқитувчиларнинг фикрлари, мавзулар мазмунига қўйиладиган услубий ва дидактик талабларни эътиборга олиш керак.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Машғулотларни ташкил этишни режалаштириш ва амалга ошириш босқичида тўпланган материаллар бўйича вариатив ўқув дастурларига мувофиқ уларнинг умумий тузилиши аниқланади ва мундарижаси тузилади. Уларнинг мазмуни бўйича мавзуларнинг асосий ғоялари, машқлар ва амалий машғулотлар мазмуни, қисқа баёни, текшириш учун саволлар ва тестларнинг тўла ёритилиш даражасига эришиш ҳамда машғулотларни ташкил этишдан олдин албатта уларнинг ўқув дастурлари билан яқиндан танишиш лозим.

Машғулотлар ҳамкорликда ўтказилаётган бўлса, ҳар бир ўқитувчи ўз иш режасини белгилаб олиши, режалаштирилган умумий ишни амалда бажарилган иш билан таққослаб бориши керак. Агар иш белгиланган муддатдан кеч қолса, улар биргаликда қарор қабул қилиши, биргалашиб бир-бирига ёрдам берган ҳолда муаммони ҳал этиши лозим. Ушбу босқичда машғулот мавзуларининг тўлиқ мазмунини шакллантиришнинг амалга оширилиши назарда тутилади ҳамда қуйидагилар ёритилиши ҳамда баён қилинишига, компонентларнинг тақдим этилишига эътиборни қаратиш лозим (1-жадвал):

1-жадвал.

Машғулотлар мазмунини такомиллаштириш

№	Талаблар	Ишлаб чиқиш жараёни
1.	Машғулот	ўқитувчи томонидан машғулот ўқув дастурларига мос

<p>дастурларига мос дидактик ва услубий талаблар</p>	<p>дидактик ва услубий талаблар асосида ишлаб чиқилган тузилма бўлиб, ўқувчилар томонидан ўрганилиши ва эгалланиши, бажарилиши мажбурий бўлган материалларни ўз ичига олади. Асосий материалларнинг мазмунини тушунча, қонун, назария, объект ва жараёнлар ҳамда фаолият усуллари ҳақидаги билимлар ташкил қилади. Асосий материалларда соҳа бўйича технологик жараёнларнинг бажарилиши, техникавий объектларнинг тузилишлари назарий жиҳатдан тўлиқ ёритилиши, машина ва ускуналар, асбоблар ва мосламалар ишлаш тартиби, технологик жараёнларнинг бажарилиш кетма-кетлиги аниқ ва тушунарли баён қилиниши керак. Ўқув материалларидан кейин хулосалар ҳамда тавсиялар берилиши лозим. Асосий материалларда ўқувчиларнинг мустақил тарзда билим олишларини таъминловчи амалий фаолият усуллари, уларни амалга ошириш тамойиллари, қоидалари, тартиблари, машқлар, тажриба усуллари баён қилиниши лозим. Шунингдек, уларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш учун ҳақиқий объектлар ёки маҳсулотлар, буюмлар билан ўзаро ҳаракат усуллари, яъни қайсидир техник объектни ишлатишда ёки технологик жараёни бажаришда техника ва меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш қоидалари, машина ва ускуналарни ишлатиш тартиби, таъмирлаш ва созланишларини бажаришдаги амалий фаолият усуллари батафсил баён этилиши керак. Асосий материалларни ишлаб чиқишда ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи илмий тушунчаларни ҳосил қилиш учун ўрганилаётган жараён ва объектларнинг аҳамиятли жиҳатларини очиб берувчи далилларни танлаб олишга, замонавий техника ва технологияларнинг ютуқларидан ҳамда касбий кўникмаларнинг</p>
---	--

		шаклланиш вазифаларини ҳал қилувчи ишончли далиллардан фойдаланишга, келтирилган маълумотлар ҳажмининг ўқувчи имконияти, ёши ва қобилиятларига мос келишига эътиборни қаратиш лозим.
2.	Асосий материаллардаги жараён ва объектларни ўрганиш	Асосий материаллардаги жараён ва объектларни ўрганиш бўйича баён қилинган ўқув материалларини мустаҳкамлашга, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув материалларини ўз ичига олади. Улар асосий материалларни кучайтиришга мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларнинг ўрганиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, улар табақалаштирилган машғулотни ташкил этишга хизмат қилиши лозим. Қўшимча материалларга белгилашлар, ҳужжатли материаллар, амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган хулоса, тавсия ва маълумотли материаллар киради. Улар асосий материалларни ўзлаштиришга ёрдам бериш билан бирга, ривожлантирувчи ва ижодкорликка ундовчи, мустақил ишлаш ва тарбиявий функция-ларни бажариши керак. Шунинг учун қўшимча материалларни ишлаб чиқишда уларнинг мазмунини, баён этиш сифатини танлаб олишга аҳамият бериш лозим.
3.	Асосий материалларини тушуниш ва сифатли ўзлаштириш	Асосий материалларни тушунишга ва чуқурроқ ўзлаштиришга мўлжалланган хусусий ёзма тузилма бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Уларга кириш сўзи, изоҳ, илова, таянч ибора, тушунтириш ва луғатлар киради. Бу материаллар тушунарли, қисқа ва маълум тушунчани аниқ шакллантирадиган бўлиши керак.
4.	Машғулотлар ташкил этишда материаллар	Машғулот мавзулари мазмунини очиб беришда муҳим бўлган тасвирий материалларга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бунда диаграмма, график, жадвал,

	мазмунини очиб бериш	тузилма, расм ва хариталардан фойдаланиш, материаллар мазмунини самарали тақдим этиш имкониятини яратади. Тасвирий материаллар жараённинг турли босқичлари орасидаги миқдорий муносабатларни (диаграмма ва графиклар), фазовий (харита, харита-тузилма ва режалар) вақтли (хронологик жадвал ва графиклар) ва сабаб-оқибатли (тузилма ва жадваллар) боғланишларни, объектлар ва жараёнлар бажарилиши (расм ва схемалар) ходисаларнинг тавсифини очиб беради.
--	----------------------	--

Киришда аввалги ўрганилган машғулотлардан олинган ва кейинги босқичларда олиниши кутилаётган билимлар кетма-кетлигини кўрсатиб бериш лозим. Машғулотларни ўтказиш натижасида ва амалий топшириқларни бажаришда олинган билимлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши, мазкур материалларни ўрганиш жараёнида амалга ошириладиган фанлараро алоқаларнинг асосий усуллари ифодаланиши зарур[2].

Изоҳлар машғулот материалларини ўрганишни осонлаштиради, унинг мавзуси бўйича кўшимча маълумотлар беради. Изоҳлар маълумотлар кўринишида баён қилинади. Унинг ҳажми катталиги ўқувчиларга фикрларини бир жойга жамлашни, материални тўлиқлигича қабул қилишларини қийинлаштиради, асосий материалга диққатни жалб қилишга ҳалақит беради. Шунингдек, орфографик, атамали, таржимали ва изоҳли луғатлар бериш мумкин[3].

Машғулотларни сифатли олиб бориш нафақат ёш авлоднинг замонавий билимларни эгаллашларига, балки уларда янги кўникма ва малакаларни шаклланишида мустақил ишлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришда муҳим. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, машғулотларда турли амалий машқларни бажариш бўйича кўрсатмалар, тавсиялар, топшириқлар қанчалик кам бўлса, унинг самарадорлиги шунча паст бўлади. Мавзу материалларининг мазмунини ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири. Шунинг учун ҳам билимларни сифатли ўзлаштириш машғулотларнинг замонавий ташкил этилишидан далолат беради. Бундай машғулот компонентларига ўқувчиларнинг мустақил ишлаш, билимларни баҳолаш, меҳнат фаолиятини мустақил режалаштириш ва ташкил эта олиш

кўникмаларини эгаллашларини таъминлашга йўналтирилган саволлар, тестлар, топшириқлар, лойиҳалар ва амалий топшириқлар киради. Ҳар бир машғулотдан кейин тест, топшириқ, амалий машғулот ва машқлар, назорат саволлари берилади. Масалан. Бажариладиган ишларнинг тавсифига қараб қурилиш материалларини қайси турларга ажратиш мумкин? Қурилиш жараёнлари ҳақида тушунча беринг. Қурилиш иншоотларининг жойлашиш схемасини тасвирланг. Қурилиш материаллари турлари ҳақида маълумот беринг.

Машғулотларда назорат саволлари, тестлар, топшириқлар берилиши ўқувчиларнинг фаоллашувини ва билимларни мустаҳкам эгаллашларини таъминлайди, уларнинг касбга бўлган қизиқишларини ривожлантиради, ишлаб чиқариш шароитларида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради. Саволлар ва топшириқлар сўзлаб беришни ёки мураккаброқ фикрлашни амалий ишларни (назорат, ҳисоблаш ишлари, тажрибалар ўтказиш, техник ёки технологик жараёнларни, амалларни бажариш, махсус ёки буюм тайёрлаш иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш) бажаришни талаб қилиши мумкин[4].

Ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитишда шундай фанлар борки уларда ўқитиш фақат матн орқали назарий усулда олиб бориш яхши натижа бермайди.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган тавсия, қоида ва талаблар машғулотларни давр талаблари асосида ташкил этишга асос бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, назарий ва амалий ўқув материаллари, саволлар, топшириқлар, ўз-ўзини баҳолаш тизими ва бошқа қўшимча материалларнинг яхлит бир бобда шакллантирилиши ўқувчининг ушбу фаолият бўйича билим ва кўникмага эга бўлиш самарадорлигини оширади ҳамда назария билан амалиёт орасидаги ўзаро боғлиқлик таъминланади, машқ, топшириқлар, саволлар ва тестлар ўқувчиларнинг мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга замин яратади.

REFERENCES

1. Barakayevich, Q. S., & Baxtiyorovna, A. S. (2021). Xalqaro dastur talabalari asosida innovatsion ta'lim muhitini yaratish. *Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 1(02), 132-137.
2. Elmurzaeva, N. K., & Qorayev, S. B. (2021). Pedagogical Requirements for the Organization of the Educational Process in Specialized State Educational Institutions. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 1078-1084.

3. Қораев, С. Б., & Жолдасов, И. С. (2021). Касб-хунар мактаблари фаолиятини амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш орқали такомиллаштириш масалалари. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
4. Adbujalilova, S. A., & Koraev, S. B. (2020). Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни. *Academic research in educational sciences*, (4).
5. Korayev, S. B. (2018). Recommendations on Effective Organizing Training and Production Complexes at Secondary Educational Institutions. *Eastern European Scientific Journal*, (2).
6. Караев, С. Б. (2018). Современные пути совершенствования учебно-производственных комплексов, специализированных на профессиональной подготовке учащихся. In *Психология и педагогика на современном этапе* (pp. 30-36).
7. Ernazarova, G. (2016). Development of training professional activity of vocational college students. *Наука и Мир*, 2(11), 100-102.
8. Эрнazarовой, Г. О. (2017). Подготовка учащихся к профессиональной деятельности на основе акмеологического подхода. *Традиционная и инновационная наука: история, современное состояние, перспективы: сборник статей*, 115.
9. Burkhonov, A., Avlaev, O., Abdujalilova, S., & Otaev, A. (2021). Responsibility as a criterion for determining personal maturity. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 244, p. 11059). EDP Sciences.
10. Avlaev, O. U., Burkhanov, A. A., Ismoilova, D. M., & Norkuzieva, M. A. (2020). Factors Affecting the Intellectual Dynamics of the Individual. *Test Engineering & Management*, 83, 693-702.
11. Musurmonov, R., Burkhonov, A., & Musurmonova, M. (2021). Innovative activity-a factor of educational efficiency. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 8(3), 1238-1241.
12. Мусурмонов, Р., & Мусурмонова, М. (2020). Таълимда инновацион фаолият давр талаби. *Science and Education*, 1(Special Issue 4).
13. Мусурмонов, Р., & Расулов, А. (2021). Мактаб менежменти–таълимни янги босқичга кўтариш омили. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
14. Эшманова, Н. Н., & Матъякубова, М. Б. (2019). Тарбиячиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш. *Таълимдаги инновациялар ва ислоотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар*, 1, 33-34.

15. Рахмонов, А. Р. (2019). Инновацион таълим кластери ўқув фаолиятига самарали усул сифатида.«. *Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар» халқаро илмий-амалий анжуман*, 2, 46.
16. Rahmonov, A. R., & Luxmanov, D. B. (2020). Maktablarda ta'limning ijtimoiy sheriklik modelini yaratishda klaster yondashuv. *Academic research in educational sciences*, (4).
17. Элмурзаева, Н. Х. (2020). Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишга қўйиладиган педагогик талаблар. *Academic research in educational sciences*, (4).
18. Абдуқудусов О.А. Касбий таълимда асосий ўқув материални ўрганиш технологияси // “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари” республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т., 2006. - Б. 7-8.
19. Koraev S. B. “Improvement of Vocational Training of Pupils in Secondary Schools” *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, Vol. 24, Issue 01, 2020 ISSN: 1475-7192 1734-1742 page
20. Қораев С.Б. “Профессионал таълимда ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш йўллари”. *Узлуксиз таълим журнали* 2020 йил 1-сон. 88-92 бетлар
21. Қораев С.Б. “Профессионал таълимда ўқув амалиётларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари” *Academic research in educational sciences*, Tashkent, 2020. Volume 1, ISSUE 4, pp 1281-1286.
22. Burkhonov, A., Avlaev, O., Abdujalilova, S., & Otaev, A. (2021). Responsibility as a criterion for determining personal maturity. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 244, p. 11059). EDP Sciences.